Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 143 (5734).
24 ИЮНЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII съездига— 27 зарбдор ўн кунлик

СИФАТГА ЭЪТИБОР

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети съездолди социалистик мусобақасини кенг тус олдириш, илғорлар ташаббусини ўз вақтида илғаш ва ёйишга муҳим эътиборни қаратмоқда. Корхонада учта цех 1986 йилнинг биринчи квартал планини партия XXVII съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олди. Ҳозирда-ёқ иш суръати ва сифатига катта эътибор берилятти. В. Сергеев, Н. Булигина бошчилик қилаётган участкаларининг коллективлари коммунистлар етакчилигида бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

В. Сергеев участкаси съезд очиладиган кунгача иккн ойлик планни бажаришдан ташқари рақамли программа билан бошқарилдиган станоклар учун 21,7 минг сўмлик ўчта мослама ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Район Советининг депутати Е. Балачев бошчилик қилаётган бригада 25 февралгача икки ойлик топшириқни бажариш ва меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 2 процент оширишга ахд қилди. Партия комитети коммунистлар ва комсомол-ёшларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада ошириш тадбирларини кўрмоқда.

ЖАНГОВАРЛИК ВА ИШЧАНЛИК РУҲИДА

«Миконд» заводи коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленуми қарорларини изчил амалга оширши учун курашиб, асосий эътиборни зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишга, партия ташкилотларининг жанговарлик кўригини эса ҳар бир коммунистнинг ташаббускорлиги ва ишчанлигини кучайтиришга эришишга қаратмоқда.

Бу ерда коммунистлар ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни янада яхшилаш, фан-техника тараққиётининг ютуқларини ишлаб чиқаришга актив жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш, коммунистларда актив ҳаётий позицияни кучайтириш юзасидан кўпгина қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирмоқдалар. Масалан, корхонанинг 10-цехида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бир қанча амалий таклифлар билдирилди. Шунингдек 11-цех ва бошқа цехларда ҳам коммунистлар маҳсулот сифатини оширишни ўз диққат-марказларида тутмоқдалар.

РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

Қурилиш механизацияси трести 1-механизация бошқармасининг коллективи КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига жавобан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. 1985 йил планини 25 декабрда бажаришга, топшириққа қўшимча равишда 15 минг сўмлик ишларни бажаришга, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириб, таннархни 1 процент арзонлаштиришга ахд қилинди.

Съезд олди зарбдор вахтасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени қавалери Бульдозерчи А. Шевелев ўрнак бўлмоқда. У мавжуд резервлардан самарали фойдаланиш ҳисобига шу кунгача икки беш йиллик топшириқларини адо этди. Унинг ҳамкасби II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг кавалери А. Горбатков ҳам ундан қолишмаяпти.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ МУРАББИЙСИ

Раҳим Тешабоевнинг меҳнат дафтарчасида фақат битта ёзув бор. У ҳам ўттиз йил муқаддам, ёш йигит Армияда хизмат қилиб қайтганидан кейин Тошкент электротехника заводига ишга кирганида ёзилган. Ҳозир уни «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг кўп минг кишилик коллективида ҳамма танийди. Ўнлаб ишчилар ўз меҳнат таржимаи ҳолини ана шу рандаловчи уста раҳбарлигида бошлаганлар. Корхонада унинг тажрибасини ўрганиб, оммалаштирмоқдалар.

— Рандаловчилик иши юксак аниқликни талаб қилади, — деб тушунтиради Раҳим Тешабсев ишга янги келганларга. — Бизнинг ишимиз шошилишни ёқтирмайди...

Тешабоевнинг ҳар бир иши режали. Ишни у «планлаштириш»дан бошлайди: чизмалар ва заготовкаларни ўрганади, технология жараёнига ўзгартириш киритиш мумкинми деб мўлжаллаб кўради, вақтни, материалларни қандай тежаш йўлларини ўйлайди. У фойдаланётган асбобларининг кўпини ўзи ясаган. Резецлар шаклини ўзгартиради. Бир йўла иккита операцияни бажариш мумкин бўлган универсал мосламалар тайёрлайди. Силиқловчи касбини ҳам мукаммал ўрганиб олган. Бу эса смена топшириғини бир ярим баравар бажариш имконини бермоқда.

Раҳим Тешабоев КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасига қўшилиб, съезд очиладиган кунга қадар биринчи квартал топшириғини бажаришга сўз берган.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Густав Гусакнинг 1985 йил 30—31 май кунлари СССРга қилган визити ҳақидаги ҳужжат ва материаллар тўплами босилиб чиқди. Тўпламда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Г. Гусакнинг нутқлари, Москвада ЧССР юбилей миллий виставкасининг тантанали очилишида Н. А. Тихонов билан Г. Гусак сўзлаган нутқлар, Н. А. Тихоновга ЧССРнинг юксак давлат мукофоти топширилганлиги тўғрисидаги, Совет — Чехословакия ҳужжати имзоланганлиги ҳақидаги ҳисоботлар, бошқа материаллар эълон қилинган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган. **(ТАСС).**

Москвада Ғалаба паради ўтказилганлигининг 40 йиллигига





МОСКВА. 1945 йил 24 июнь. Ғалаба паради. ТАСС фотохроникаси.

Бундан роппа-роса 40 йил муқаддам Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасини нишонлаш учун Москвада тантанали парад ўтказилган эди. Сафдан ўтиб бораётган ғолиблар орасида тошкентлик Николай Матвеевич Железнов ҳам бор эди.

ПАРАД ҚАТНАШЧИСИ

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

Уруш бошланганида Николай Железнов 16 ёшда эди. Тенгдошлари қаторн бир неча марта ҳарбий комиссариатга мурожаат қилди. Воята етмаганлиги туфайли унинг илтимосини рад этишди. Ниҳоят у орзиқиб кутган кун келди. Бу пайтда Курск йўналишида жиддий жанглар кетаётган эди. У ҳарбий алоқачи сифатида жангга кирди. Жуда кўп масофани жанг билан босиб ўтди. Даҳшатли олишувларда қатнашди. Муҳим топшириқларни жасурлик билан бажарнб, полкдошларига намуна кўрсатди. У хизмат қилаётган қисм Жанубий Пруссня орқали Кенигсберг шаҳригача борди. Душманнинг жуда кўп истеҳкомлари вайрон этилди. Уруш ниҳоясига етаётган бир пайтда жангчи оғир жароҳатландн.

Тинч қурилиш йилларида ҳам у самарали меҳнати билан Ватан қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшди.

Тошкентдаги Октябрь революциясн номидаги тепловоз ремонти заводининг слесари, коммунист Николай Матвеевич Железнов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайландн.

Тошкентликлар Н. Железновни жуда яхшн танншади. У мактаб, корхона, олий ўқув юртларида, ҳарбий комиссариатларда тез-тез бўлиб турадн. Даҳшатли уруш воқеаларини ёшларга сўзлаб беради. Учрашувларга ўзининг жанговар ва меҳнат мукофотларини тақиб боради. Улар биринчи даражали Улуғ Ватан урушн, Қизил Юлдуз, Октябрь революцияси ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларидир. Уларнинг ёнида қатор жанговар медаллар ҳам порлаб турадн.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қўлга киритган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигн арафасида Н. Железновнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз бердн. Унга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвони берилдн.

— Уруш тугаганига 40 йил бўлдн. Ғалаба парадидан сўнг кечқурун салют берилдн. Ушанда севинч туйғуси кўзларимдан ёш чиқарнб юборган эдн. Прожекторларнинг нурлари бутун Москвани кундузгидек ёритиб турган эдн. Ҳа, жуда кўп қийинчиликларнн бошдан кечирган, ўлимларга тик боққан Ватанимиз Ғалабани тантана қилар эдн, —дея эслайди Николай Матвеевич Железнов. — Қизил майдонга тўпланган кишиларнинг ҳаммаси бир-бирини табриклар, Ғалаба, деб бир-бирини бағрига олишар эдн. Бу даҳшатли уруш тугаганидан, у бизнинг фойдамизга ҳал бўлганидан далолат эдн...

(Газетанинг 2-бетидаги «Ватанпарвар» сарҳафасида берилаётган мақолалар совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати ва ёшларнинг оталари анъаналарини давом эттираётгани ҳақида ҳикоя қилади).

АҲОЛИНИНГ ДАМ ОЛИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

«Ойдин кўл» дам олиш зонасида меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислик қилди.

Мажлисда «Ойдин кўл» дам олиш зонасининг қурилиши ва фаолияти, Тошкент шаҳри аҳолисининг шаҳардан ташқарида дам олишини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

Маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштирайлик

МЕҲНАТ КИШИСИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети II сессиясидан

Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов очди.

Сессия раиси этиб 99-сайлов округидан депутат, Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова, секретари этиб — 10-сайлов округидан депутат, Тошкентдаги ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техника хизмати кўрсатиш тажриба заводининг электромеханиги Ю. Н. Попов сайланди.

Сессия кун тартибини тасдиқлади:

1. КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларн асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш бўйича халқ депутатлари шаҳар ва район Советларн, шаҳар корхоналарн ва ташкилотларининг вазифаларн тўғрисида.

2. Сайловчиларнинг ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига ва ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Совети депутатларига наказларини амалга ошириш бўйича тадбирлар планн тўғрисида.

3. Ташкилий масалалар.

4. Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қондаларн тўғрисида.

5. Шаҳар халқ контроли комитети составини қисман ўзгартириш тўғрисида.

6. Тошкент шаҳар судн аъзоларн тўғрисида.

Сессияда биринчи масала бўйича Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Плотников доклад қилдн.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари, 158-сайлов округидан депутат Н. И. Емельянов, «Ташгоршейбит» ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси, 205-сайлов округидан депутат М. Э. Ғуломова, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, 1-сайлов округидан депутат М. З. Зуфаров, «Ташгорфото» ишлаб чиқариш бирлашмаси ретушчиси, 66-сайлов округидан депутат В. А. Бекетовская, Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинати комплекс бригадасининг бригадири, 418-сайлов округидан депутат М. А. Мартинов, халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси А. М. Мирқосимов, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари, 352-сайлов округидан депутат У. С. Султонова сўзга чиқдилар.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Н. Колесников сўзга чиқди.

Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қондаларн тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. У. Ниёзов ахборот берди.

Сессия иши пайтида депутатлик сўрови тушди. 40-сайлов округидан депутат Г. Ш. Набиева Акмал Икромов районидаги Мирхонд, Саккокий, Муаззамхон ва Ҳ. Абдуллаев кўчаларн қачон телефонлаштирилиши ҳақида маълумот берилишини сўради.

Сессия Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бошлиғи А. Ҳ. Алимбоевнинг ахборотини тинглаб, кўрсатилган кўчаларни 47, 75-АТСлар ишга туширилгач, 1986 йилнинг учинчи кварталида телефонлаштиришни топшириш ҳақида қарор чиқарди. Ушбу қарорнинг бажарилиши қандай бораётгани ҳақида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига ва депутатга 1986 йилнинг сентябрь ойида ахборот берилади.

Сессия Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари этиб В. П. Плотниковни сайлади. Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи С. Р. Одилов вазифасидан озод этилди. Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳрининг бош архитектори вазифасига А. А. Умаров тасдиқланди.

Сессия бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар халқ контроли комитетининг аъзоси Б. А. Мамонтовни вазифасидан озод қилди, халқ контроли комитети составига В. А. Чекмарев киритилди. Бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Б. О. Эшонов Тошкент шаҳар судн раисининг ўринбосари вазифасидан ва Ў. Абдусаломов шаҳар судининг аъзолигидан озод этилдилар. Шаҳар судининг аъзолари этиб С. А. Исмоилов, У. И. Набиев ва Л. С. Муратова сайландилар.

Халқ депутатлари шаҳар Советининг депутатлари навбатдаги сессияга юксак масъулият туйғуси билан келдилар. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми, КПССнинг навбатдаги XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича КПСС Марказий Комитетида бўлган кенгашгаги доклади сессияга алоҳида кўтаринки руҳ бахш этди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми яна бир бор ёрқин таъкидладики, партия ва ҳукуматимиз фаолиятининг бош мақсади, туб мазмуни — бу совет кишиси ҳақида, унинг турмушини, ҳар томонлама камол топишини яхшилаш, коммунистик қурилиш учун тинч шарт-шароитни яратиш ҳақида ғамхўрлик кўрсатишдир, — дея кўрсатиб ўтди ўз докладида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Плотников.

Тошкент меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори партия ва ҳукуматнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигига меҳнатда янги ютуқлар билан жавоб беряптилар. Беш йиллик якунловчи йилининг беш ойлик плани саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича 101,4 процентга бажарилди, планга қўшимча 22,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 процентни, меҳнат унумдорлиги 4,4 процентни ташкил этди.

Республика пойтахтида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш учун анчагина ишлар қилиняпти. Бугунги кунда аҳолига 700 хилдан зиёд турли юмушлар таклиф этиляпти, маиший хизмат кўрсатиш точкалари сони 1.800 тадан ошди. Акмал Икромов районидаги маиший хизмат уйи, Киров ва Сергели районларидаги маиший хизмат шаҳарчалари каби йирик объектлар ишга туширилди. Трактор заводининг 4-микрорайонида, Октябрь районидаги «Марказ —27» кварталида, Собир Раҳимов районидаги «Қорақамиш —2/1» микрорайонида маиший хизмат комплекслари, Куйбишев, Ленин, Ҳамза ва Октябрь районларида теле-радио аппаратларини ремонт қилувчи замонавий ихтисослаштирилган корхоналар очилди.

Меҳнат коллективларида маъқулланган хизмат кўрсатиш соҳасини меҳнаткашларнинг иш жойларига яқинлаштириш практикаси борган сари кўпроқ ёйиляпти. Шу беш йиллик бошидан бери корхоналар ва ташкилотларда 156 та маиший хизмат кўрсатиш точкаси очилди. «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, мотор заводининг кучлари ва маблағи ҳисобига маиший хизмат уйи қурилди. Бу йил шундай объектлар «Узбексельмаш» бирлашмасида, ошхона ва бошқа мебеллар, заргарлик заводларида ишга тушади.

Дастлабки маълумотларга кўра, беш йилликнинг якунловчи йилида аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг реализация ҳажми 1980 йилга нисбатан бир ярим баравар ўсади ва 1985 йилда аҳоли жон бошига (беш йиллик бошидаги 32 сўм ўрнига) 42 сўмга етади. Ленин, Фрунзе ва бошқа районларда аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми шаҳардаги ўртача даражадан бир ярим баравар кўп бўлади.

«Зангори экран» (бош директори Б. Абдумажидов), «Техсложбитприбор» (бош директори А. Азимов) ишлаб чиқариш бирлашмаларида ўтган тўрт йил мобайнида маиший хизмат реализацияси ҳажми анча ўсди, шу даврга мўлжалланган беш йиллик топшириқдагидан 1,6 баравар ошди.

Докладчи таъкидлаганидек, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича асосий вазифа маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялар зиммасига тушади. Маиший хизмат корхоналарининг жойлашуви ва ишининг ташкил этилиши маҳаллий Советларга боғлиқ бўлади. Улар маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларида планларнинг бажарилишини, ушбу корхоналарда ўрнатилган иш режимига риоя этилишини маиший юмушлар учун прейскурантлар тўғри қўлланилишини назорат этадилар.

Бу иш Сергели районида (ижроия комитетининг раиси Ҳ. Охунжонов) ва бошқа бир қатор районларда дуруст йўлга қўйилган.

Лекин, сессияда кўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда хизмат кўрсатишда эришилган даража шаҳар аҳолисининг ўсган эҳтиёжларига тўла жавоб бермайди.

Директив ҳужжатларга биноан 1983-1985 йиллар мобайнида Тошкентда 14 та маиший хизмат уйи ва 68 та комплекс қабул пункти қурилишини таъминлаш кўзда тутилган. Бироқ белгиланган режалар қониқарсиз амалга оширилятти. Шу йил май ойида республика Министрлар Советида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича ҳисоботи тингланди, шаҳар ва район Советлари шаънига жиддий, ҳаққоний танқид билдирилди. Чунончи, соҳа корхоналари тармоғини ривожлантириш бўйича топшириқ бажарилмаяпти. Капитал қурилиш Бош бошқармаси (В. Зак), архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси, «ТашНИИПИгенплан» институти (Ю. Мирошниченко), «Ташгипрогор» (Т. Шахсуварян) айби билан турар жой микрорайонларининг комплекс қурилиши бузилятти. Ҳозир уй-жой қурилиши асосан тугалланган 49 та микрорайонда бош планда кўзда тутилган 19 та маиший хизмат кўрсатиш комбинатидан 18 таси, 3 та маиший хизмат уйи ва бошқа объектлар йўқ. «ТашНИИПИгенплан» институтн лойиҳаларда комбинацияланган ихтисослаштирилган химчисткалар ва кирхоналар қурилишини кўзда тутмаяпти. Ажратилаётган капитал маблағлар йил сайин ўзлаштирилмаяпти, объектларни ишга тушириш муддатлари нормадагидан уч баравар ва ундан ортиқ муддатга чўзилятти. Пойафзал уйи қурилиши муддати бир неча марта ўзгартирилди, Ленин районида мўраккаб маиший техника ремонти корхонаси 1978 йилдан бери қурилятти.

Вужудга келган аҳволда фақат қурилиш трестларигина эмас, — дея таъкидланди докладда ва музокараларда, — балки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси (М. Зуфаров), халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари ҳам асосий айбдордирлар.

Район Советларининг ижроия комитетлари саноат корхоналарининг раҳбарларидан маиший хизмат уйлари ва комплекс пунктлари ўз вақтида қурилишини талаб этишмади. Агрегат (Алимов), экскаватор (Сумбулов), «Средазгазавтоматика» (Мансуров), «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик (Тетушкин) заводларида қурилишни бошлаш у ёқда турсин, ҳатто белгиланган муддатлар ўтганига қарамай, маиший хизмат уйларини лойиҳалашга киришишмади.

Сессия юқоридаги раҳбарлардан маиший хизмат кўрсатиш уйлари қурилишини таъминлаш юзасидан конкрет чоралар кўришни талаб этди.

Киров (Р. Ҳикматуллаев), Ҳамза (З. Новикова), Куйбишев (А. Нуъмонов), Октябрь (Б. Дадаев) районларида маиший хизмат объектларини қуриш ва ишга туширишда анчагина қолоқликка йўл қўйилди.

Район Советлари ижроия комитетларига, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаларининг хўжалик раҳбарларига қолоқликни йил охиригача бартараф этиш таклиф қилинди.

Сессияда таъкидланганидек, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бирлашмаларининг ўз фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар ва нуқсонлар бор. Ҳозир маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида барча объектларнинг 55 процентн бир сменада ишлаяпти. Уларнинг кўпининг иш режимн саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш режими билан бир хил. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига, район Советларининг ижроия комитетларига ҳам асосий айбдордирлар.

Район Советларининг ижроия комитетлари саноат корхоналарининг раҳбарларидан маиший хизмат уйлари ва комплекс пунктлари ўз вақтида қурилишини талаб этишмади. Агрегат (Алимов), экскаватор (Сумбулов), «Средазгазавтоматика» (Мансуров), «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик (Тетушкин) заводларида қурилишни бошлаш у ёқда турсин, ҳатто белгиланган муддатлар ўтганига қарамай, маиший хизмат уйларини лойиҳалашга киришишмади.

Сессия юқоридаги раҳбарлардан маиший хизмат кўрсатиш уйлари қурилишини таъминлаш юзасидан конкрет чоралар кўришни талаб этди.

Киров (Р. Ҳикматуллаев), Ҳамза (З. Новикова), Куйбишев (А. Нуъмонов), Октябрь (Б. Дадаев) районларида маиший хизмат объектларини қуриш ва ишга туширишда анчагина қолоқликка йўл қўйилди.

Район Советлари ижроия комитетларига, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаларининг хўжалик раҳбарларига қолоқликни йил охиригача бартараф этиш таклиф қилинди.

Сессияда таъкидланганидек, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бирлашмаларининг ўз фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар ва нуқсонлар бор. Ҳозир маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида барча объектларнинг 55 процентн бир сменада ишлаяпти. Уларнинг кўпининг иш режимн саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш режими билан бир хил. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига, район Советларининг депутатн, машинист Геннадий Майоров соцмусобақада ғолиб чиқиб, смена топшириқларини 115—120 процентдан бажаришга эришмоқда.

● Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида қардош Тожикистон санъаткорларининг дўстлик концерти бўлиб ўтди. Унда Тожикистон ССР халқ артисти Т. Шаҳидийнинг «Огоҳ бўлинг, Сталинград» вокал-симфоник поэмаси, бастакор Ш. Сайфиддиновнинг «Рудакий» ва «Айний» операларидан парчалар, республика Ленин комсомоли мукофотн лауреатн Ф. Баҳорнинг «Бузрук» симфонияси ва бошқа асарлар тингланди. Ўзбекистон ва Тожикистон композиторлар союзлари ҳамкорликда ташкил этган бу музыка кечаси маданий алоқаларнинг ёрқин намунасидир.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени ишга тушгандан буён ташиган йўловчиларининг умумий сони 615 миллиондан ошди. Бир кунда 350—360 минг йўловчи манзилларга етказиб қўйилмоқда. Метрополитен хизматчилари КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида пассажирларга хизмат кўрсатишни такомиллаштирмоқдалар. Тошкент шаҳар

ОБ-ҲАВО

● Вугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 30 даража иссиқ бўлади. Бугун кечаси 21—23, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

№ 6 (27)

ВАТАНПАРВАР



«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

Улуғ Ватан урушининг шонли тарихида соғлиқни сақлаш муассасаларн ходимлари — врачлар, фельдшерлар, ҳамширалар, сандружиначилар жонбозлик кўрсатдилар. Уруш соғлиқни сақлаш ходимлари учун ҳам катта синов бўлди. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб фронтга ёрдам бериш, яралорларни даволаш медицина ходимларининг асосий вазифаси бўлди. Мамлакатимизда даволаш муассасаларининг катта тармоқлари ишлай бошлади. Энг яхши ходимлар ана шу муассасаларга мужассамлашди. Урушда яралор бўлган жангчиларнинг тўртдан уч қисми мазкур касалхоналарда шифо топди ва қайта сафга кирди.

Уруш тарихи жанг майдонларида медицина ходимлари томонидан кўрсатилган жуда кўп жасоратларни билади. Жанг майдонларида кўрсатган мисли-сиз жасоратлари ва қаҳрамонликлари учун медицина ходимлари Ватаннинг юксак мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

Урушнинг даҳшатли ва оловли йилларида бутун совет халқи, шавкатли армиямиз 1418 кун қора бало — фашизмга қарши шиддатли, жанглар олиб борганда, ўша оғир дамларда буюк ватанпарварлик ҳисси билан тўлиб-тошган республикамиздаги барча медицина ходимлари оёққа турдилар. Улар жанг майдонларида шонли армиямиз билан бир сафда туриб душманга қарши мардонавор курашдилар. Яралор бўлган солдат, офицерларга тиббий ёрдам кўрсатдилар, уларнинг ҳаётини доим ҳимоя қилдилар.

1933 йилда Тошкент Давлат медицина институтини тамомлаб терапевтик касбини эгаллаган Аҳмаджон Ёқубжонов енг шимариб ишга киришди. У дастлаб Тошкент область районларида безгак ва риштага қарши кураш бошлаб, аҳолини бу хасталиклардан фориғ этишга ҳисса қўшди.

1941 йил. Аҳмаджон шифокорлик ишини жуда қизғин олиб борарди. Қўққисдан немис фашист босқинчилари Ватанимиз тупроғига ваҳшийларча бостириб кирдилар. Оташқалб Аҳмаджон бу хунук ҳабарни эшитди-ю, ўз ўрнини кенг майдонда деб билди, ҳарбий комиссариатга бориб фронтга юборишини сўради, унинг илтимоси қондирилди. Кўнгиллилар қатори жанг майдонига отланган Аҳмаджон Ёқубжонов медицина-санитария бўлинмасига бошлиқ этиб тайинланди. Тинч ҳаёт даврида безгак, риштага қарши курашган Аҳмаджон эндиликда фашист деган вабони йўқотишга бел боғлади. Жанг майдонларида у ўлим билан юзма-юз олишди, жуда кўп кишиларни ўлим чангалидан қутқариб, уларнинг ҳаётини ҳимоя қилди, қайта жон бағишлади. Ватанимиз пойтахти Москва учун бўлган жангда у катта маҳорат кўрсатди. Душман госпитални бомбардимон қилганда Аҳмаджон яралорларга ёрдам берди Уларни қутқазди. Ҳаёт ҳимоячиси, ҳаласкор А. Ёқубжонов Ғарбий фронтда 316-ўқчи дивизияда ҳарбий врач бўлиб ишлаганида янада маҳорат билан ишга солди, яралорларга малҳам боғишлади, уларни қайта сафга қайтишларини таъминлади.

Собиқ ҳарбий врач Аҳмаджон фронтдан қайтгач, яна тинч меҳнатга, совет кишиларини даволашга киришиб кетди. У кейинги пайтларда пойтахтимизнинг Киров районидаги поликлиникаларда терапевт-врач бўлиб хизмат қилди. Ҳозир А. Ёқубжонов 80 ёшдан ошди. Лекин ҳали тетик, ҳамон аҳоли хизматида. Кишилар ҳожатини чиқариб, халқ эътиборини қозонмоқда.

184-ўқчи дивизия Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

Эргаш Азимов урушдан кейин ҳам қарийб бир йилча ҳарбий хизматни давом эттирди. У армиядан бўшагач, медицина хизмати старший лейтенанти унвони билан қайтди. Ҳозир ўртоқ Азимов Тошкентдаги руҳий касалликлар шифохонасида самарали меҳнат қилмоқда.

Партиямизнинг «Ҳамма — Ватан ҳимоясига!» деган даъватига лаббай, деб жавоб бериб биринчилар қатори фронтга жўнаганлардан яна бири Мензигон Зунурова эди. У Иккинчи Белоруссия фронтининг 194-ўқчи дивизиясида хизмат қилди. Курск, Орёл, Кишинёв, Кенсберг шаҳарлари учун бўлган жангларда яралорларга дастлабки ёрдам кўрсатиб, чана ва араваларда госпиталларга жароҳатланган юзлаб солдат ва офицерларни ташиган. Фронтда «Аълочи ҳамшира» унвонига эга бўлган опахонимиз ҳозир фидокорона меҳнати билан ҳамқишлоқларининг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Тошкент областидаги «Правда» колхози болалар боғчасида кўп йиллар мудира бўлиб ишлаган бу аёл актив жамоатчилардан бири ҳисобланади.

Уруш касофатини кўрган, унинг алам ва жароҳатларини тортган Мензигон опа: «Урушга қирон келсин. Энди сира урушни кўрмайлик», «Ҳаётимиз фаровон бўлсин, заминимиз осмонимиз доим тинч, мусаффо бўлсин», деб умид билдиради.

Инсоннинг бебаҳо бойлиги — сиҳат-саломатлиги учун, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли жангларида ҳаёт-мамот учун курашган минглаб яралорларнинг ҳаласкори бўлган, тинч қурилиш даврида ҳам саломатликка посбонлик қилаётган меҳрибон шифокорларни ҳар қачон эъзозлаймиз, жонга дармон, умрга посбон шифокорларнинг қўли ҳеч қачон дард кўрмасин, деймиз.

Л. ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

● *Сўнмас у кунлар шуҳрати*

ҲАЁТ ҲИМОЯЧИЛАРИ



● ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШМОҚДА

МАШҚЛАРДА ТОБЛАНИБ

ФОТОРЕПОРТАЖ



Бу ерларда тун нисбатан қисқа бўлади. Тонг отиши билан қуёш тафти кўтарилади. Бирданига ҳарорат 30—35 даражага етиб қолади. Жангчиларнинг юзларидан тер қуйила бошлайди. Аммо улар табиат нинжиқларини бардош билан енгиб, топшириқни бажаришади.

Артиллерияни азалдан «уруш худоси» дейишади. Бунинг маъноси бор, албатта. У ҳар дақиқада ўт очиб душман йўлини тўсиши, қўшинларнинг қайта тузилишига шароит яратиши, душманнинг мудофаасини вайрон этиши мумкин. Қисқа қилиб айтганда, артиллерия иштирокисиз бирорта операция амалга ошмайди. Демак, унинг зиммасида нисбатан масъулиятли вазифа бор. Жангчилар ўнг муваффақиятли уддалашмоқда.

Катта лейтенант Сергей Потарак хизмат қилаётган батарея энг илғор бўлинмалардан бири ҳисобланади. Қўмондонлик бир неча марта унинг олдига қийин топшириқларни қўйди. Билимдонлик, маҳорат, топқирлик ва эҳтиёткорлик туфайли вазифалар ўз муддатида ва аниқ бажарилди. Юқоридаги суратда артиллерия расчётларидан бирининг машқ пайтидаги ҳаракати тасвирланган. Орадан бир неча секунд вақт ўтгач ўт очиладн. Кузатувчи мўлжал аниқ нишонга олинди, деб хабар беради.

Оддий жангчи Тоҳир Турдиалиев батареядаги энг абжир ўқловчилардан бири ҳисобланади. Унинг ҳарбий хизматни бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аммо дўстларининг ёрдамида жуда кўп нарсаларни ўрганиб олди. У КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада пешқадамликни қўлга киритишга аҳд қилди. У хизмат қилаётган расчёт ҳамиша топшириқни вақтида ва аъло даражада бажариш билан шуҳрат қозонмоқда.

Ҳозир ёзги ўқув машғулотлари қизғин давом этяпти. Бўлинмаларда, қисмларда жанговар тайёргарлик даражаси юксалиб боряпти.

Э. ЛАТИПОВ,
А. КУДРЯШОВ.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ҚАРДОШЛИК ИТТИФОҚИ» ВИКТОРИНАСИ

БУДАПЕШТ. Венгриядаги кўҳна Эгер шаҳрида «Қардошлик иттифоқида» Умумвенгрия викторинасининг финали бўлиб ўтди. Бу викторина Венгрия — совет дўстлиги жамияти ҳамда касаба союзлари Умумвенгрия совети ташаббуси билан ўтказилди ва Венгрия фашизмдан озод қилинганлигининг 40 йиллигига бағишланди. Викторинада республика йирик саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг 5 мингга яқин социалистик меҳнат бригадалари иштирок этди.

Викторинанинг ҳамма қатнашчилари дунёда биринчи социалистик давлат тарихини, Совет Иттифоқи шу кундаги ҳаётини, ВХР билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни яхши билишларини намойиш қилдилар. Ғолиблар СССРга текин йўлланма билан тақдирландилар. Улар Москва, Ленинград, Киев, Совет Иттифоқининг бошқа йирик шаҳарлари тарихий ва архитектура ёдгорликлари билан танишишлари мумкин.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Готвальдовда (ЧССРнинг шимолий Моравия области) микроэлектроника соҳасидаги чехословак ва совет мутахассисларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди. Унинг мавзуси саноатда ва рўзғор техникасида ҳисоблаш-ечиш қурилмаларини қўлланишга бағишланди. Совет мутахассислари «Бошқарувчи ва ҳисобловчи системалар», «Совет микропроцессорлари ва уларни қўлланиш», «Тикувчилик саноатида ЭҲМни қўлланиш» мавзуида бир қанча докладлар қилишди.

Семинар кунлари Готвальдовда Совет Иттифоқидаги еттита савдо-экспорт ташкилотининг виставкаси ўтди. Виставкада электрон рўзғор буюмлари — қўл соатлари, калькуляторлар, «Вега—341», «Селга», «Океан» ва бошқа радиоприёмникларнинг янги моделлари намойиш қилинди. Экспозицияга совет микроэлектрон системалари ҳам қўйилган эди. Бу системалар Чехословакиянинг тикувчилик корхоналарида, жумладан Простейов шаҳридаги энг катта «Одевни промисел» комбинатида қўлланилади.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмурияти олға сурган солиқ қонунини ислоҳ қилиш Америка шаҳарлари бошидан кечираётган ниҳоят ўткир кризисни яна ҳам баттар кучайтиради, ушбу шаҳарлар аҳолиси энг камбағал табақаларининг бусиз ҳам оғир аҳволини анча ёмонлаштиради. Америка мэрларининг Аляска штатидаги Анкориж шаҳрида ўтаётган навбатдаги мажлиси қатнашчилари шундай демоқдалар.

Президент Рейган сиёсатининг оқибатлари Америка шаҳарлари учун хонавайронлик келтиради, деди конференция раиси, Янги Орлеан мэри Эрнест Мориал, бу сиёсат шаҳар хазинасига тушумларнинг яна ҳам кескин камайишига олиб келади. Бу эса уй-жой шароитларининг, медицина хизмати ва транспорт аҳволининг янада ёмонлашувини билдиради, деб уқтирди у.

* * *

ХАРАРЕ. Кейинги уч кун ичида апартеид давлатида полициячилар африкалик ўн бир кишини ўлдирдилар. Ўнлаб кишилар жароҳатланиб, бошқа юзлаб кишилар қамоққа олинди. Жанубий Африка республикасидан олинаётган хабарларга кўра, қотиллар Йоханнесбург, Кейптаун, Порт-Элизабет шаҳарлари ҳамда мамлакатдаги бошқа йирик саноат марказларига ёндош шаҳарларнинг қора танли аҳолиси ўтказган тинч намойишчиларни ўққа тутдилар.

* * *

РАБОТ. Марокаш, Работ, Ужд, Агадир, Танжер ҳамда бошқа шаҳарларда халқаро ёшлар йилига ҳамда ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон фестивалига тайёргарлик комитети ташкил этди.

Марокашнинг йигит-қизлари, деб ёзади тараққиёт ва социализм партиясининг марказий органи «Ал-Баён» газетаси, империализмга ва сионизмга қарши, ядро уруши хавфининг олдини олиш ва тинчлик учун курашда бошқа мамлакатларнинг ёшлари билан бирдам эканликларини изҳор қилиш, илғор демократик ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун Москвада бўладиган анжуманда иштирок этадилар. Марокашда, деб уқтиради газета, тинчликни сақлаш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида Совет Иттифоқи ёшларининг авангардлик ролига юксак баҳо берилмоқда.

СОЦИАЛИЗМГА ҚАРШИ МАҚСАДЛАРДА

БРАТИСЛАВА. Халқаро меҳнат ташкилотининг фаолияти тобора социализмга қарши тус олмоқда. Бу ташкилотнинг Женевада бўлиб ўтган бош конференциясида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши таъна тошлари отилганлиги шундан далолат беради, деб ёзади Братиславада чиқадиган «Люд» газетаси.

Бу ташкилот ўзининг асосий бурчини адо этмасдан, мавқеидан социализмга қарши мақсадларда фойдаланмоқда, деб уқтиради газета. Польшанинг халқаро меҳнат ташкилотидан чиқиб кетганлиги ҳам шундан далолат беради. Халқаро меҳнат ташкилоти ўзининг мавқеидан фойдаланиб, ПХРнинг иқтисодий системасини қўпоришга уриниб кўрди. Ҳолбуки, социалистик мамлакатларда одамларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига тўла риоя қилинаётганлиги мутлақо аён.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат беради, деб таъкидлайди «Люд» газетаси, ҳозирги вақтда халқаро меҳнат ташкилотида реакцион тенденциялар ҳукмронлик қилмоқда. Айни пайтда бу ташкилотнинг раҳбарлари халқ оммасининг меҳнати тинчлик учун курашда самарали восита бўлиб хизмат қилишини унутиб қўймоқдалар. Социалистик мамлакатлар вакилларининг БМТ Бош секретари номига йўллаган мактубида ана шулар таъкидланган. Бу мактуб Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

● *Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди*

МУҚАДДАС ТУПРОҚ

1941 йилнинг ёзида Мирсоат ака юрак амри билан кўнгиллилар қатори Ватан мудофаасига отланди. Бир йил давомида ундан хат-хабар келиб турди. У сўнгги мактубини 1942 йилнинг декабрида ёзганди. Йиллар давомида саргайиб кетган мактубда ушбу сатрларни ўқиш мумкин.

«Ўрнимизга ўринбой бўлиб қолган Абдусаломга! Яқин кунларда биз жангга кирамиз, ортга йўл йўқ, ортимизда Москва. Бу жангда кўп қурбонлар бўлиши мумкин, лекин биз бу жангда албатта ғалаба қозонамиз. Биз ҳали немис-фашист босқинчиларини Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқариб, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларимиз учун, ҳалок бўлган ватандошларимиз учун, халқимиз бошига тушган оғир жудолик ва ҳижрон азоблари учун ўч оламиз. Сенга ягона васиятномам шуки, сен тер тўкиб халқ-Ватан йўлида ҳалол меҳнат қил.

1942 йил декабрь ойи. 926-дала қутиси».

Дарҳақиқат Абдусалом ака Саматов тоғасининг васиятига содиқ қолди. Совет Армияси сафидан қайтгач, Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимига ишга келди. 33 йил милиция органларида ишлади. Бу давр мобайнида оддий хизматчидан милиция полковниги даражасигача кўтарилди. Эндиликда у қарилик гаштини сураяпти.

— Орадан қанча йиллар ўтиб кетса ҳам, — деб ҳикоя қилади Абдусалом ака,— биз ҳамон тоғамиздан бирор дарак топилишини интизорлик билан кутардик. Шу мақсадда район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилдим. У ердагилар тоғам сўнгги жангларда қатнашган Москва областининг Можайск шаҳар ҳарбий комиссариатига хат ёзишди. Мен ўзим эса СССР Мудофаа Министрлигининг марказий архивига хат ёздим. Кўп ўтмай у ердан қуйидаги мазмунда хат олдим. «Тоғангиз 144-ўқчи дивизиясининг 785-ўқчи полки ўқчиси оддий аскар Ҳидоятов Мирсоат 1943 йил январь ойида Москва остоналарида бўлиб ўтган қаттиқ жангларнинг бирида оғир яралор бўлиб, 1943 йилнинг 6 январь куни ҳарбий госпиталда вафот этди. Унинг жасади Москва области Можайск районининг Мокрое қишлоғидаги биродарлик қабристонига дафн этилган».

Ўша куннинг эртасигаёқ Абдусалом ака оиласи билан Можайскнинг Мокрое қишлоғи томон йўл олди. У йўл-йўлакай хаёлан тоғасини эслади. Тоғаси Мирсоат ака тоғни урса талқон қиладиган забардаст йигит эди ўшанда. У ўзи истиқомат қиладиган колхозда донгдор бригада бошлиғи эди.

Эсида, бир куни тоғаси туздан кейин уйга қайтди. Кўриниши нохуш эди. Томорқада ишлаб юрган Абдусаломни олдига чақирди.

— Жиян, энди кичик эмассан. Ўн олтига кирдинг. Ҳар қалай оилани сенга бемалол топшириб кетса бўлади. Ақллиҳушли йигитсан, ўзинг эплаб кетасан бу ёғини. Абдусалом ҳарчанд ўринмасин тоғасининг мақсадини тушуна олмади.

— Ҳа, ўйланмай қўяқол жиян, уруш бошланибди. Фашист газандалар Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирибди. Юрт элимиз учун оғир бўлган бундай кунда қўл қовуштириб ўтириш яхши эмас, тушунгандирсан. Шундай экан мен сафар ҳозирлигини кўрмасам бўлмайди.

Ўшанда Абдусалом урушнинг бунчалар даҳшатини хаёлига келтирмаганди. Меҳрибон тоғаси билан сўнгги бор суҳбатлашаётганини тасаввур ҳам қилмаганди.

Эртасига эрталаб Мирсоат ака ҳарбий комиссариатга йўл олганда отаси ўрнида ота бўлиб қолган бу жафокаш кишини қайта тирик кўриш насиб этмаслигини Абдусалом сира-сира ўйламаганди. Мана энди орадан қанча йиллар ўтиб, у тоғаси хокини зиёрат қилиш учун кетяпти. Жондан азиз жигаргўшасининг қабри тупроғини кўзига суртгани кетяпти.

Мокрое қишлоғига кириб борганда, тун зулмат қўйнига чўкканди. Лекин Абдусалом акасининг қалби безовта тепар, ҳозирнинг ўзида қандай бўлмасин ўша тоғасининг жасадини бағрига олган илиқ тупроққа тиз чўкишга ошиқарди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

САЛЬВАДОР ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ГАВАНА. Америкапараст Дуарте режими жазо бўлинмаларининг ҳужумларини қайтараётган Сальвадор ватанпарварлари Морасан департаментидаги жанглар давомида бир кун ичида душманнинг салкам 30 солдати ва офицерини сафдан чиқардилар. Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси шу ҳақда хабар қилди.

Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронтининг жангчилари пулемётлардан ўтиб, Америкада ишлаб чиқарилган учта ҳарбий вертолётни шикастладилар. Сальвадор ҳарбийлари шу департаментда ўтказаётган катта жазо операциясида бомбалар ҳамда «Осмон-Ер» типидаги ракеталар билан таъминланган жами 20 тадан кўпроқ вертолёт ва ўнта самолёт қатнашмоқда. Халққа зид режим Америка ҳарбий ёрдами доирасида олаётган замонавий жанговар техникадан Сальвадор армияси мамлакатнинг Тинч аҳолисига қарши оммавий жабрзулм учун фойдаланмоқда. «Венсеремос» радиостанциясининг эшиттиришида уқтириб ўтилганидек, жазоловчилар партизанларга қарши кураш баҳонаси билан департаментдаги тинч қишлоқларни миномётлардан ва тўплардан ўққа тутмоқдалар. Мутлақо бегуноҳ сальвадорликлар, шу жумладан болалар, қариялар, хотин-қизлар ўққа тутишлар ва авиациянинг вақшиёна хужумларидан қурбон бўлмоқдалар.

2 ЮШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

24 ИЮНЬ, 1985 й.

● *Қиш тайёргарликни ёқтиради*

ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси, тошкентликлар бугунги июнь қуёши қиздираётган кунларда ҳам ўтган йилнинг қиш сабоқларини унутганлари йўқ. Шунинг учун ҳам бу йил ўтган йилга нисбатан анча барвақт, янги иситиш мавсумига тайёргарлик бошланди. Бу иш партия ва совет органларининг назорати остида олиб борилмоқда. Ҳаммамизга маълумки, мавсумга тайёргарликда асосий эътибор турар-жой фондига қаратилмоқда.

Партия, совет ва хўжалик органларининг бу масъулиятли ишдаги вазифаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, республика кенгашида кўриб чиқилиб, унда турар-жой фондини кузги-қишги мавсумга катта эътибор билан тайёрлаш кераклиги таъкидланди. Унинг тавсиялари зудлик билан амалга ошириладиган ишдир. Айни вақтда ана шу йўналишда шаҳар уй-жой бошқармаси, район уй-жойлардан фойдаланиш трестлари, ЖЭУ ва қурилиш ремонти ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилияпти.

Турар-жой фондини кузги-қишги мавсумга тайёрлашдаги белгиланган тадбирлар шаҳар уй-жой бошқармалари томонидан қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни «Тошкент оқшоми» мухбири Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармаси бошлиғи У. А. РИЗАЕВдан илтимос қилди.

— Ҳақиқатан ҳам ўтган йил мавсуми сабоқлари йўл қўйилган камчиликларни қиш кечирмаслигини яна бир бор исботлади. Шаҳримиздаги айрим уйлар етарли миқдордаги иссиқлик билан таъминланганди. Агарда очиқчасига айтсак ЖЭПТ ва унинг участкаларининг айби салмоқлидир. Турар-жойларни кузги-қишги мавсумга тайёрлашдаги ишлар етарли миқдорда, сифатли ва сидқидилдан бажарилмади. Шундай экан, ўзимизни оқламаслигимиз керак. Қиш қандай келмасин масъул бўлган ташкилотлар томонидан унга тайёргарлик ўз вақтида олиб борилиши керак.

Ўтган иситиш мавсумида аҳолидан 867 та шикоят ва ариза тушди. Анализлар шуни кўрсатдики, шундан 469 таси энергетика министрлигининг «Ташгеплоцентраль» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қозонхоналари кераклн миқдордаги иссиқликни етказиб бермаганлиги натижасида бўлган. 172 таси эса авария ва иссиқлик тармоғи тешилиши натижасида «Ташгеплосеть» ва «Ташгеплокоммунэнерго» айби билан содир бўлди. 226 таси уйлар ичидаги иссиқлик тармоғининг ишдан чиққанлиги ва уй-жойлардан фойдаланиш участкалари хизматчиларининг қувурларни ювишни ва ремонт ишларини сифатсиз бажарганлиги натижасида вужудга келди.

Бу йил шаҳарнинг турар-жой фондининг қиш мавсумига тайёр бўлишини таъминлашда турар-жой ташкилотлари хизматчилари зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланган. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарори билан вазифалар аниқлаб берилди. Белгиланган тадбирлар плани бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Турар-жой фондининг анча қўпгина ийи ва унинг инженерлик жиҳозларининг кўпгина шаҳар турар-жой ташкилотлари хизматчилари олдига улардан намунали фойдаланишда янги ва прогрессив усулларни жорий этишни талаб қилаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Иссиқлик тармоғини профилактикадан ўтказиш ва ремонт ишларини бажариш, сув билан таъминлаш, қурилиш ва сантехника ишлари бўйича шаҳар уй-жой бошқармаси шу йилнинг беш ойлик планини 100,5 процент қилиб бажарди. Жорий ремонт ишлари эса 103,2 процент қилиб адо этилди. Беш ой мобайнида 9.656 сўмлик иш бажарилди. Шу йилнинг 10 июнига қадар пол ва девор ичидан иситиш системаларн 8 та уйда радиаторларга алмаштирилади, 54 та уйда монтаж ишлари бажарилмоқда, 91 та уйда радиаторларни монтаж қилишга тахт қилиб қўйилди. Иссиқлик тармоғини ювиш ва профилактикадан ўтказиш ишлари маҳаллий Советларга қараши уйларнинг 1.410 тасида ўтказилди. Бундай ишлар план бўйича 4.875 та уйда ўтказилиши керак эди, лекин ҳозирча пландаги топшириқ фақат 30 процентга бажарилди, холос. Айни кунларда подъездлардаги эшик ва деразаларни ремонт қилиш, ойна солиш ва бошқа керакли инвентарларни тайёрлаб қўйиш ишлари бажарилмоқда.

Уй-жой фондининг кузги-қиш мавсуми тайёргарлиги боришини анализ қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги ишлар қониқарли эмас. Белгиланган 17 та тадбирнинг 7 таси графикдан орқада қолинмоқда.

«Минмонтажспецстрой»нинг «Ташсантехмонтаж» трести ва шаҳар хўжалиги объектларини капитал ремонт қилиш бошқармаси пол ва девор ичидан иситишни радиаторга ўтказишни чўзиб юборди. Графикдан ҳам кўриниб турибдики, бу борадаги ишлар қониқарли эмас. Ўйлаймизки, юқорида номлари тилга олинган ташкилотлар йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этадилар.

Турар-жой фондида капитал ишларини бажариш бўйича беш ойлик планни (асосий пудратчи 1-трестнинг капитал қурилиш бошқармаси) бажармади. Бу бошқарма томларни ремонт қилиш, ҳам тортган квартираларнинг, чириган полларни тиклаш ишларини бажармади. Улар томонидан бажарилаётган бошқа ишлар сифати ҳам қувонтирмайди. Ихтисослаштирилган капитал ремонт бошқармаси ҳам сантехника ва электромонтаж ишларини бажаришда графикдан орқада қолмоқда. Бу ерда плондан 276 минг сўм орқада қолинган.

Кузги-қишги мавсумга қониқарсиз тайёргарлик кўрилаётганлигини районлар мисолида кўрсак, Октябрь, Киров, Собир Раҳимов район уй-жойлардан фойдаланиш трестлари қошида иш анча чатоқ эканлигини кўринади. Куйбишев ва Чилонзор ЖПЭТлари турар-жой фондини капитал ремонтдан чиқариш план топшириқларини бажара олишмаётир. Айвон ва балконлардаги ўзбошимчалик билан ўрнатилган радиаторлар ҳалигача олиб ташланмаган, ертўлалар тозаланмаган, томлар ва йўлкалар ремонти ўз вақтида бажарилмаётир.

Яна шуни эслатиб ўтмоқчимизки, қишга тайёргарлик кўриш фақат бунга тегишли ташкилотларнинг г и н а вазифаси бўлиб қолмасдан, балки барча аҳолининг ҳам ишидир. Бунда ЖЭУ хизматчилари билан бирга уй ва маҳалла комитетлари жонбозлик кўрсатишлари керак. Уй эгалари ҳам квартираларини кузги-қишги мавсумга тайёрлашлари лозим. Ҳар бир аҳоли қиш мавсумига тайёргарлик кўришга масъулият билан ёндошса биз жуда хурсанд бўлар эдик. Бу табиийки яхши натижалар беради.

Бу ойлар худди бошқа ойлар каби барча. турар-жой участкаларида кузги-қишги мавсумга ўз вақтида тайёргарлик кўрилаётган ойлардан бири бўлади. Бугуни энг асосий долзарб масала вақтни бой бермаслик, Биз қиш вақтида иссиқлик системалари ва сув таъминоти бир маромда ва узлуксиз бўлишини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилар эканмиз, аввало КПСС нинг навбатдаги XXVII съездини муносиб кутиб олишга бўлган интилишимизни амалий иш билан мустаҳкамлаймиз. Умид қиламизки, уй-жой бошқармаси ходимлари учун уй-жой фондини қишга олдиндан тайёрлаб қўйиш вазифасини шараф билан уддалайдилар.

Адабиёт ва санъат

• ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Вьетнам «Сирени»



Вьетнамдан келган Фам Куонг Вьет ва унинг уч нафар ўртоғи Тошкент политехника институтини битиришдан анча олдин дипломли бўлишди. Тўғри, бу диплом уларнинг асосий мутахассислиги учун берилган йўқ. Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган чет эллик студентларнинг ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон фестивалига бағишланган сиёсий қўшиқлар конкурсида уларга лауреатлик дипломлари берилди.

Вьетнамлик бўлғусн инженерлар «Сирень» вокаль-чолғу группасининг тузилганига бир йил тўлмасданоқ у машҳур бўлди. Ҳаваскор артистлар репертуарида уруш йилларида яратилган совет қўшиқлари муносиб ўрин олган.

— Бу қўшиқлар бизнинг қалбимизга жуда яқин, — дейди Фам Куонг Вьет.— Биз урушнинг даҳшатларини синаб кўрганмиз ва унинг такрорланишини асло истамаймиз. Мен болалигимдаёқ қўлимга қурол олиб, партизанлар отрядига жўнаганман. Ватанимнинг мустақиллиги учун уч йил жанг қилдим. Биз вьетнамча «Партизан ҳақидаги қўшиқ»ни ёки «Катюша», «Ташвишли ёшлик қўшиғи», «Турналар» деб аталувчи рус қўшиқларини ижро этганимизда жанговар дўстларимизни, урушдаги машаққатли ва қаҳрамонона кунларни эслаймиз.

Ҳозир Тошкентда чет эллик студентларни бирлаштирган 40 дан кўпроқ ижодий коллектив бор. «Куба», Лаоснинг «Оқ фил» ва бошқа вокал-чолғу ансамбллари шулар жумласидандир. Уларнинг фаолиятини чет эллик студентлар клуби мувофиқлаштиради. Йигит ва қизлар бадиий ҳаваскорликда қатнашиб, бошқа халқларнинг маданияти билан таништадилар, бир-бирларини яхши билиб олдилар.

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

• Шахмат

Ҳамшаҳарларимиз ғолиб чиқишди

Биринчи республика ёшлар ўйинлари программасидан жой олган шахмат турнирига 122 шахматчи йиғилди. 6 йигит ва 2 қиздан иборат 14 команда Андижоннинг «Спорт» ва бошқа меҳмонхоналарига жойлашди. Турнир ташкилий жиҳатдан жуда яхши уюштирилди. Мусобақани ўтказиш системаси илгариги ўйинларга қараганда бошқача бўлди. Мусобақа тўртта швейцар системасида ўтказиладиган турнирлардан иборат бўлди. Ҳар бир команданинг тўпланган очколари ҳисобланиб, ғолиб команда аниқланди.

Медаллар учун кураш мусобақа бошидан қизиб кетди. Биринчи турдан кейин, Самарқанд ва Наманган области командалари 8 имкониятдан 8 тадан, Тошкент шаҳри командаси 7,5 очко тўплаб, олдинги ўринларда кетаётган эдилар. Тўртинчи турдан кейин кутилмаган ўзгариш юз берди. Тошкент области шахматчилари 25 очко билан биринчи ўринга чиқиб олдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни Самарқанд ва Наманган области шахматчилари эгалладилар. Тошкент шаҳри командаси тўртинчи ўринга тушиб қолди.

Мусобақанинг иккинчи ярмини тошкентлик шахматчилар кўтаринки руҳда ўтказдилар. Улар ҳар куни 6—7 тадан очко тўплаб, биринчи ўринга чиқиб олдилар. Саккизинчи турдан кейин, биринчи ўринни Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Самарқанд области, учинчи ва тўртинчи ўринни Тошкент ва Наманган областлари командаси эгаллаб турардн. Охирги куни тошкентликлар яна 5,5 очко қўлга киритдилар. Шундай қилиб, Юрий Колчанов бошчилик қилган Тошкент шаҳри командаси умумий якунда биринчи ўринни эгалладн. Иккинчи ўринни Самарқанд области шахматчилари, учинчи ўринни Тошкент области шахматчилари эгалладилар.

Тошкент шаҳри командаси сафида қуйидагилар бор эдн:. А. Качев, В. Шахворостов, М. Тошматов, А. Абдураҳмонов, А. Каган, К. Азимов, И. Хлиманова, Н. Репрун.

Биринчи тахтада биринчи ўринни Тошкент областининг вакили Йўлдошев, иккинчи тахтада Наманган областининг вакили Жўраев эгаллади. Учинчи тахтада бўлса самарқандлик Оқилов ғолиб деб топилди. Тошкент областилик қизлар Сафағаннева ва Ибадназва еттинчи ва саккизинчи тахтада биринчи ўринни эгалладилар.

А. АБДУРАҲМОНОВ, СССР спорт мастер лигига канднат.

• Сахалин область драма театрининг Тошкентдаги гастроллари

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Мана бир неча кундирки, республикамиз пойтахтида Сахалин шаҳридаги А. Чехов номли драма театри ижодий коллективи тошкентликларга ўзларининг энг яхши асарларини тақдим этишмоқда. Узоқ шарқлик санъаткорлар репертуаридан классик ҳамда замонавий саҳна асарлари муносиб ўрин олган. Узига хос истеъдод эгаларн меҳнат қилаётган ижодий коллектив ҳар бир асарни маромига етказган ҳолда томошабинга тақдим этишга ҳаракат қилишади. Театрнинг сермазмун репертуаридан жой олган В. Шукшиннинг «Тонг саҳар-ла уйғонди улар...», В. И. Левашевнинг «Калит», Г. Ряпкининг «Мавсумий моделлар», Н. Семеновнинг «Ғилдиракли печка», А. Дударевнинг «Остона», «Оқшом», С. Злотниковнинг «Эркак аёл ҳузурига ташриф буюрди», А. Арбузовнинг «Шаҳар чеккасидаги уйча» каби бир қатор драматик асарлар ўрин олган. Ҳар бир асарни театрнинг ижодий коллективи маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. Сафар гастролларн давомида ижро этилаётган саҳна асарларн тошкентликлар томонидан юқори баҳоланяптн.



СУРАТДА: театр коллективи маҳорат билан ижро этаётган «Барно йигит» спектаклидан саҳна.

К. Ромеев фотоси.

Черкез-Али –60 ёшда

Таниқли татар шоири, моҳир таржимон Черкез-Али 60 ёшга тўлди. Унинг ижодий биографияси ўрмон саноати хўжалиги, Қозоғистоннинг қўриқ ерларида меҳнат қилиш билан бошланди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битиргандан кейин ўтган вақт мобайнида шоирнинг ўндан ортиқ шеърий, насрий ва таржима тўпламларн нашр этилдн. Шоирнинг «Тонг қучоғида» романи, айниқса кенг танилган. Бу роман кўплаб қардош тилларга таржима қилинган.

Черкез-Али таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилмоқда. У Навоий, Жомий, Фурқат, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ойбек сингари ўлаб ўзбек ёзувчи—шоирларининг асарларини татар тилига маҳорат билан таржима қилган. Шоирнинг кўп йиллик самарали ижодий фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан «Ҳурмат Белгиси» орденн билан тақдирланган.



ЧЕРКЕЗ-АЛИ

• ЯНГИ ШЕЪРЛАР

УНУТМА ИНСОН, ЧАМАНЗОРИНГНИ

Унутма инсон, чаманзорингни,
Кўнгил яйраган гулзорингни,
Булбул сайраган навбаҳорингни,
Қилма сўнг афсус бериб бой вақтни,
Мисқоллаб, йиллаб эришган бахтни.

Умримиз тушдай ўтар кетаркан,
Учирма қушдай ўтар кетаркан,
Баҳор, ёз, қишдай ўтар кетаркан.
Қилма сўнг афсус бериб бой вақтни,
Мисқоллаб, йиллаб эришган бахтни.

Фурсат ғанимат, обрўйинг тўкма,
Бешта панжангни оғзингга тиқма,
Бурнингни ортиқ ҳар ерга суқма,
Қилма сўнг афсус бериб бой вақтни
Мисқоллаб, йиллаб эришган бахтни.

Бил олдингдан оққан сув қадрини,
Ҳар куни боққан кўзгу қадрини,
Кўнглингга ёққан сулув қадрини,
Қилма сўнг афсус бериб бой вақтни
Искандар, йиллаб эришган бахтни.

ОЛАМ ҚИЛАР ТАБАССУМ...

Олам қилур табассум
Она муҳаббатидан.
Одам қилар тараҳҳум
Она мурувватидан.

Олам гуллаб яшнагай,
Одам хушнуд яшагай,
Инсон камолотидан,
Мардлик, жасоратидан.

Олам гўзал, олам ҳур,
Одам топар бахт, ҳузур—
Тўккан тер, меҳнатидан,
Чеккан машаққатидан.

Одам олам боласи,
Очилган гул-лоласи,
Олам бўлса тинч, аҳил,
Бўлмас одам ноласи.
Одам севса оламни,

Онам деса оламни,
Кечар у роҳатидан,
Вақти, фароғатидан.
Олам бўлгай мунаввар,
Одам бўлгай музаффар—
Ленин шарофатидан,
Тинчлик сиёсатидан.

Искандар РАҲМОНОВ.

«Марҳабо, янги куним...»

Улуғворсан, забардастсан, Ватаним,
Қуёш чарчар сенда кезиб ботгунча.
Ҳавасларинг,
сувинг жоним,
ҳам қоним,
Қулочим тор, қучардим қўл етгунча.
Гўдак эдим қучоғингда қолганда,
Ёвуз душман сенга чангал солганда.
Етимлигим сездирмадинг, қўлладинг,
Қанот бериб ҳаёт сари йўлладинг.
— Марҳабо, эй янги куним, марҳабо!—
Шу сўз билан иш бошлайман ҳар сабоҳ.
Тупроғингда ғурурланиб юраман,
Сендан олган кучни сенга бераман.
Ҳар қачон ҳам сени олсам эсимга,
Сен бахш этган қувонч сиғмас кўксимга.
Толиқмасдан бурчим адо этаман,
Ҳимоячинг, авлодингман, эй Ватан!

Кўзларим

Кўзларим,
Маним мунаввар кўзларим,
Оз вақт ичида сиз,
Неларни кўрмадингиз:
Бомбаларнинг ёққанини,
Дарёларнинг ёнганини,
Гўдакларнинг,
Кексаларнинг
Бошпанасиз қолганини,
Яна қанча-қанчаларни:
Ул уйқусиз кечаларни,
Ёш қизларнинг —
Эрксизларнинг
Асирликка қайрилганин
Ва ғурбатга чидай олмай
Ҳаётдан айрилганин,
Ҳаммасини...
Ёт элларни

Қанча-қанча йўлларни
Кўрдингиз эй кўзларим!
Маним азиз кўзларим!
Кўзларим,
Оҳ, ғуссали кўзларим,
Ул қаро кунларни сиз
Бўларди кўрмасангиз.
Букун улуғ Ватанимда,
Ҳар қуёшли тонгимда,
Далаларда
Ва қирларда
Шўх яллалар янграганда,
Жафо кўрган халқларимиз
Шодмон кулиб
Қуёшга тик қараганда,
Юртимизда кундан-кунга
Ғалабалар тизилганда.
Ва умримиз навбаҳорда
Чечаклардан безалганда,
Нечун нурли кўзларим
Занфлашаяпсиз?

Кўзларим,
Бу гўзал дамларда сиз,
Ёниб турнг, сўнмангиз.
Яна йўллар кечирилажак,
Яна сувлар ичилажак,
Қақирларда
Оч чўлларда
Чаманзорлар очилажак.
Бу дунёда курашиб ўтган,
Ҳақ, адолат учун кетган,
Неча жонлар,
Ёш новдалар
Тупроғида нур битажак.
Ер юзида яна қанча
Қовушажак инсонлар бор.
Ҳордиқ олмай неча кеча
Ёзилажак достонлар бор.
Шунинг учун менга сиз,
Эй кўзларим, кўзларим,
Жоним каби кераксиз,
Маним нурли кўзларим!

• Енгил атлетика

ҚИЗИҚАРЛИ БАҲСЛАР

«Пахтакор» Марказий стадионининг енгил атлетика секторлари ва югуриш йўлкаларида қизиқарли баҳслар бўлиб ўтди. СССРнинг биринчи космонавт-учув ч и с н Юрий Алексеевич Гагарин хотира совринн учун ўтказилган бу республика шахсий команда биринчилигида 250 дан зиёд ўсмир қатнашдн.

Енгил атлетика мутахассисларн ва спортчилар эришилган натижаларни синчковлик билан кузатиб бордилар. Бу сафар Тошкентдагн «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг тренерн Г. Талаевнинг шогирдн А. Шепелев республика рекордини янгилаб, олқишга сазовор бўлдн. Андрей Шепелев умумий якунда 5723 очко тўпладн.

Шунинси диққатга сазоворки, бу сафарги баҳслар кўпкураш системаси асосида ўтказилдн. Бу ёшларнинг маҳоратини ҳар томондан синашга имкон берди. Биринчи кўпкурашда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг вакили М. Ротач яхши натижа кўрсатдн. У 60, 100 ва 200 метрга югуришда ўз рекордини янгилади. Тошкентлик динамочи Е. Суяркова еттинчи кўп курашда муваффақиятли қатнашдн. Баландликка сакраш, 60 метрга югуришда дуруст натижага эришдн.

Тошкентдагн «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг вакили М. Калинин эса ўн биринчи кўп курашда барча қатнашчилардан кўп очко жамғарди. Умуман олганда ёшлар яхши натижалар билан мутахассисларин хушнуд этдилар.

Команда ҳисобида 184 очко тўпланган «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. «Ёш куч» ва «Меҳнат резервлари» жамиятларининг вакиллари иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар. Иккинчи группада эса темирйўлчилар ғолиб чиқишди.



Уч хатлаб сакраш бўйича юксак натижаларга эришиш анча қийин. Бунинг учун тинмай машқ қилиш ва яна машқ қилиш лозим. Меҳнатсеварлик, масъулиятни чуқур ҳис қилиш туфайли Владимир Черников бир неча марта Бутуниттифоқ ва Халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритдн.

СУРАТДА: В. Черников маррага интилмоқда.

И. Сизов фотоси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Галатепа қиссалари»

Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти истеъдодли ёш ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепа қиссалари» китобини нашр этди. Унга ёзувчининг «Мустафо» ва «Истеъфо» қиссалари кирган. «Мустафо»да қишлоқ қарияларининг беғубор ўй-кечинмалари, эътиқоди ва қувончлари қаламга олинади. Ёзувчи бу муҳсифидлар образи орқали инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш, одамийлик ғояларини илгари суради.

«Истеъфо» қиссасида ижтимоий ҳаётимизнинг кейинги йиллар воқеалари тасвирланади.

ШЕКСПИР ДУРДОНАЛАРИ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётн жаҳон драматургиясининг буюк сиймоси Вильям Шекспирнинг V жилдли «Танланган асарлар»ининг навбатдаги тўртинчи жилдини босмадан чиқарди.

Мазкур жилдга атоқли адибнинг дунёга машҳур «Вероналик икки йигит» комедияси, «Мактаб» ва «Корнолан» трагедияларн киритилган. Асарларни рус тилидан Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун ва шоир Жамол Камол таржима қилишган.

С. АЗИМОВА.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ

ОБОД ШАҲАРНИНГ НООБОД БИР ПАРЧАСИ

ЁКИ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК ШИКОЯТ

ФЕЛЬЕТОН



Ўз вақтида тингланмаган шикоят дарду ҳасратга айланар экан, кўнгилларда туғилган дарду ҳасрат ўз вақтида тингланмаса кўз ёшига айланар экан, эътиборсиз қолган кўз ёши бора-бора ғазабга айланар экан.. Ғазабдан қўлини мушт қилган кампирлар, йиғламоқдан бери бўлиб юрган болалар, «ваъдабоз бўлмай кет-эй» деб қарғаниб юрган пенсионер отахонлар. Йўқ, яхшиси ҳаммасини бир бошдан бошлайлик. Шундай қилиб, зилзиладан кейин «Ободон» маҳалласи ташкил қилинди, бир-биридан чиройли кўчалар очилди, кўчаларга бир-биридан силлиқ қилиб асфальт босилди. «Илғор» кўчасининг магистрал кўчага олиб чиқадиган жойида бир юзу эллик метрлик масофа асфальтсиз қолиб ҳам кетди. Кўчанинг бошланиши эмасми, одамларнинг оёғига, машиналарнинг ғилдирагига ёпишган лой, чанглар маҳалла ичкарисига кириб бораверди, қишга бориб эса одам боласи ўтолмайдиган ботқоқлик ҳам пайдо бўлаверди, катта-ю кичикнинг ғазаби мана шу ерга тўкилаверди:

— Наҳотки ҳеч ким шуни кўрмаса!

— Лойга ботганларнинг томошасини кўриш учун атайлаб қилишган бўлишса-чи!

— Узларининг кўчаси ойнадек сип-силлиқ!

— Болам бечораниг ботинкаси лойда қолиб кетибди, йиғлаб ўтирибди.

— Энди уни баҳорда оласиз.

— Боплаб газетага ёзиш керак эди.

Йўқ, газетага ёзишмади. Маҳалла комитетининг раиси бошчилигида вакиллар сайланди. Вакиллар билан район коммунал хўжалик бўлими хизматчилари ўртасида нақ бир йилга чўзилган мунозара бошланди.

— Кўча асфальт қилинган, — дейди мутасаддилар, —мана проект, мана акт.

— Чала қолган, — дейди вакиллар.

— Бу бизга туҳмат,— дейди мутасаддилар.

— Йўқ, бу ҳақиқат! — бўш келмайди вакиллар.

Ниҳоят, бу чиндан ҳам шикоятми ёки туҳматми, мана шуни аниқлаш, мабодо, маҳаллий мутасаддиларнинг обрўйини тўкишга қаратилган ҳаракат бўлса, айбдорларни маҳалланинг ўзида шармандасини чиқаришга қарор қилишди. Машинага ўтириб, «Илғор» кўчасига етиб келишди.

— Да...—деди мутасаддилардан бири машинаси лойга ботиб қолгач.

— Безобразия! — деди бошқаси машинасини итариб чиқаришга одам топилмагач.

— Демак, асфальт қаёққадир сотилган, —деди яна «да» деган мутасадди.

— Аниқлаб жавобгарликка тортиш керак!— деди «безобразия» деган мутасадди.

Хуллас, «Илғор»нинг бошланиши асфальт қилинадиган, бу ерга ажратилган асфальтни қаёққадир сотганларни жавобгарликка тортадиган бўлишди. Лойга ботган болалар, машинаси тиқилган ҳайдовчилар, бозор-ўчарга боролмай қолган чолу кампирлар мутасаддиларни дуо қилишди. Лекин... Ҳамма гап мана шу лекинда... Лекин икки-уч йил давомида на «да» деган мутасаддию, на «безобразия» деган бошликдан дарак бўлди. Онда-сонда «Илғор»нинг чала қисмини «майда ремонт» ташкилоти асфальт қилиб берадими ёки бу ишни «Йўлни эксплуатация қилиш ташкилоти» бажарадими, деган мазмунда мунозаралар бўлиб турди. холос. Бу орада «Ободон» маҳалласи янги ташкил бўлган бошқа район тасарруфига ўтказиб юборилди. Энди бутун эътибор янги мутасаддиларга қаратилди, ҳамманинг умиди ўшалардан бўлиб қолди. Чиндан ҳам янги район мутасаддилари халқпарвар экан, чала жойини ремонт қилиб бериш борасида 6 йил давомида 14 марта катта-кичик ваъдалар беришди, бу орада кўчанинг нариги томонида турадиганлар жойидаги асфальтнинг нумунинг кўзини ихтиёрида асфальт қорадиган завод ҳам, шағал ташиб келадиган самосвал ҳам йўқ. Яна хўрлик бошланди, хўрлик яна шикоятга айланди. Маҳалланинг олдинги учта раиси «Ўртоқлар, арзи-додларингни ниҳоясига етказолмадик, узр» дея ишдан бўшаб кетишган эди. Янги раис серғайрат экан, енг шимариб ишга киришди.. «Ё кампирларнинг арзи-додини ниҳоясига етказаман ёки тўртинчи бўлиб мен ҳам ариза бераман» деган гапларни ҳам айтган бўлса керак. Ниҳоят, маҳаллада туғилиб идораларда катта бўлган шикоятнинг ёши 17 га тўлиб, мўйловлари сабза урган бир пайтда, яъни 1984 йилнинг 9 май куни «Илғор» кўчасига чарақлаб қуёш чиқди. Район ижроия комитети ободончилик ишлари бўйича раис муовини талайгина ёрдамчиларини ёнига олиб, маҳаллага ташриф буюрди. Чала жойларни кўзи билан чамалаб кўргач:

— Арзимайдиган жой экан-ку, —деди бир оз хафа бўлгандек,— наҳотки 17 йилдан буён шу нарса чўзилиб келаётган бўлса. Хўп ажойиб мутасаддилар бор-да.

— Тўғри айтасиз,— деб тасдиқлашди ёрдамчилари.

— Тротуар ҳам қолиб кетган экан-да, — яна сўради раис муовини.

— Ҳа, қолиб кетган эди,—дейишди маҳалладагилар хўрсиниб.

— Шу ой ичи ҳаммаси битказилади. Кампиршоларни камситишларига йўл қўймаймиз...

Бу гаплар шундай самимий ва шундай оқкўнгиллик билан айтилдики, кампирларнинг баъзи бирлари хурсанд бўлганидан андак кўз ёши ҳам қилиб олишди. «Ана, мутасадди деган мана бунақа бўларкан» деган гапларни ҳам айтишди. Чиндан ҳам ҳалиги одам биз сўзли экан. Бир ҳафта ўтар-ўтмас ёрдамчиларидан бирини вакил қилиб жўнатилди. Лекин... Лекин ишнинг яна «лекин»и чиқа бошлади. Вакил узоқ чайналди. Охирида:

— Ҳалиги... анақа-да, — деди.

— Хўш, қанақа ахир? —сўради маҳалла аҳли.

— Ҳалиги?.. Ишчиларнинг томони... масаласи.

— Ош қилиб берайликми, жонимиз билан.

— Бе...,—деди вакил қўл силтаб

— Чой дамлаб берайликми?

— Э...—деди вакил бу гал тескари ўгирилиб.

— Хўш, нима қилайлик бўлмаса?

— Ҳозир асфальт жуда қиммат-лашиб кетган. Бошқа маҳаллаларда бўлганида 500 сўм сўрардик. Ҳа, майли сизлар 300 манат берасизлар.

— Бе, — деди кампирлардан бири капалаги учиб.

— Э, — деди Настася хола эшигини тақиллатиб ёпиб.

Ўша кундан буён вакил билан лой-чангга ботганлар ўртасида савдолашиш давом этяпти. Лекин вакил «айтганим бўлмаса, яна 17 йил кутасизлар» деб сўзида қаттиқ турибди. Гоҳо маҳаллага келиб, машинасидан тушмасдан, сигнал чалади-да, уч бармоғини кўрсатиб:

— Бўладими? — деб сўрайди.

— Бе,—дейди кампирлардан бири.

— Э,— дейди Настася хола деразадан бошини чиқариб.

Фельетон тугади. Унга адолатли хулосa ёзишни газетхонининг ўзига ҳавола қиламиз: гап қайси кўча устида боряпти, ўзингиз топинг.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

• ҲИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Маст — жаҳлнинг асиридир, ундан ақл қочиб кетади.

СОФОКЛ.

● Мастлик— ақлсизлик машқидир.

ПИФАГОР.

● Одамлар душманга оғизларидан йўл берадилар, у эса мияларини ўгирлаб кетади.

В. ШЕКСПИР.

● Инсонга доғ солувчи ўнта жиноятдан тўққизтаси вино ичиш туфайли содир бўлади.

Л. ТОЛСТОЙ.

● Ичадиган киши ҳеч нарсага лойиқ эмас.

А. С. ПУШКИН.

● Шиша ичидан менга офат кўринади. Бу офатларни унинг ичидаги таркиби ташкил қилади. Шиша ичини ногиронлар, илонлар ва табиат музейидаги каби эмбрионлар ташкил этади.

Г. ГЕЙНЕ.

● Ичкилик мастдан ўч олади.

Ленардо да ВИНЧИ.

● Мастлик — ҳақиқий ақлсизлик, у бизни бутун бордигимиздан, шодлигимиздан маҳрум қилади.

СОЛОН.

● Арақ оқ, лекин бурунни қизил, обрўйни қора қилади.

А. П. ЧЕХОВ.

● Эшакка шох, одамга мастлик ярашмайди.

Шота РУСТАВЕЛИ.

● Болаларга оз-оздан бўлса ҳам спиртли ичимликлар бериб туриш— жиноятдир.

ЦИГЕН.

• РАССОМ ТАБАССУМИ



ИЧКИЛИКБОЗ УСТА:— Пиво деган сувдек нарсани ичолмасанг, менга қанақа қилиб шогирд бўласан!

Ухшатмасдан учратмас улфатлар.

М. Унгаров чизган расмлар.

• Халқ мақоллари

АРАҚНИНГ КАСОФАТИ ҲАҚИДА

● Киши ичмаса, чекмаса, узоқ умр кўради.

● Арақ винонинг туғишган холаси.

Рус мақоллари.

● Мастнинг ақли кўр бўлади.

Монгол мақоли.

● Ким ичкиликни ёқтирибди, ўзига чоҳ қазибибди.

Фин мақоли.

● Шўр пешага қадам босгандек, арақ ҳам юракка шундай йўл олади.

Вьетнам мақоли.

● Мастлик фалокатларга эшикни ланг очади: камбағаллик ва касаллик бирлашади.

Тожик мақоли.

● Ақл тоғларни кўзғатади, арақ ақлни хароб қилади.

● Мастлик билан ғам янгиланади.

Удмурд мақоллари.

● Биринчи қадаҳни ичмасанг охиргисидан маст бўлмайсан.

Тува мақоли.

● Мастлик бамисоли бир эшикдир: у ман қилинган нарсаларга ланг очилади.

● Кайф келса ақл кетади.

Шарқ халқлари мақоллари.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

24 ИЮНЬ. 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 24. VI

● МТ I

17.45 Мозамбик миллий ашула ва рақс ансамблининг концерти.
18.15 «Стадион ҳамма учун».
18.45 Футбол шарҳи.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «КПСС XXVII съезди олдидан».
20.00 «Сиз яратган боғ».
20.30 «Оризонт» ансамбли ижро этади.
20.40 «Ғалаба паради». 1945 йил 24 июндаги Ғалаба паради ҳақида ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Е. Нестеренко ижросида уруш йиллари қўшиқлари. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
20.20 «Москва». Кинокўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Биринчи ёз». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Фантадром», «Бувижон, ўргатинг». Мультфильмлар.
18.35 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.15 «Ғалаба йўли». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Жаҳон тараққийпарвар адабиёти». Маҳмуд Дарвиш.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Актёрлар ва роллар». ЎзССР халқ артисти Икрома Болтаева.
23.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Саҳийлик». Ҳужжатли фильм.
18.40 «Абитуриент-85». Химия.
19.10 «Табиатнинг бебаҳо инъомлари». Телефильм.
19.30 «Ичкиликсиз яшаш учун». «Алкоголизмга қарши курашамиз». Врач маслаҳати (рус.).
19.45 «Сейсмик назоратчилар». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Бизга ва набираларимизга». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
21.10 «Парвознинг ердаги давоми». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 25. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Нега филлар». Мультфильм.
9.55 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги манзаралар». МТ ва БР Катта симфоник оркестри ижро этади.
10.30 «Учрашув». 58-гвардиячи Краснодар-Прага ўқчи дивизияси ветеранлари ҳақида телефильм (Тошкент).
10.55 Болалар учун фильм. «Хафель дарёсидаги Колумб» (ГДР телевидениеси).
12.10 Р. Еникеева асарларидан концерт.
12.40 Телефильмлар: «Сизрань», «Карпат обиҳаёти».
13.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Мактаб ўқувчиларининг СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Трансплантология ва сунъий органлар институтининг директори В. И. Шумаков билан учрашуви.
16.50 Болалар учун фильм. «Ханжар». 1-серия.
18.00 «Чайковский ҳузурида меҳмонда». Фильм-концерт.
18.25 «Янгроқ барабан ҳақида эртак». Мультфильм.
18.45 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси».
20.00 «БМТ — тинчлик ва хавфсизлик қуроли».
20.20 «Келажак асрга». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Г. Березко. «Хотиралар кечаси». Телеспектакль.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 Енгил атлетика бўйича СССР ва ГДР терма командалари матчи.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Экономика ҳақида жонли, тушунарли ва қизиқарли». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 «Биринчи ёз». Телевизион бадиий фильм.
10.45 Г. Гендель. Сопрано, хор ва камер оркестри ижроси учун кантата.
11.20 Тарих саҳифалари. «Тинчликни ҳимоя қилиш ҳақида қонун».
11.45 «Шахмат мактаби».
12.15 «Будильник».
12.45 «Ҳайвонларни ўргатувчилар». Телевизион бадиий фильм. 4- ва 5-сериялар.
13.30 Француз тили.
14.15 Мультфильмлар: «Чучело-мяучело», «Солдаги воқеа», «Гўёки...»
14.45 ОЛТОЙ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.45 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 Балет артистларининг Москвадаги V Халқаро конкурси. 3-тур. СССР Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади (I-кун). Танаффус пайтида — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 «Дзори Миро». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Севги барқарор». Таниқли эстрада қўшиқчиси Мария Пахоменко иштирокида фильм-концерт.
11.25 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
11.55 «Хайрли соатда». Бадиий фильм (рус.).
13.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
19.00 «Ёшлиқ» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ичкиликсиз яшаш учун». Катталар учун мультфильм.
19.55 Телевизион театр. А. Мухтор. «9-палата» (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши» (рус.).
22.45 Ўзбекистон телевидениесининг «Меҳмонхонадаги машмашалар» ҳажвий телефельетонига жавоб берадилар.
23.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—16.20 МТ II
17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Ярим соат июнь ойида». Фильм-концерт.
18.20 «Қадрдон ўлка». Телефильм.
18.30 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Абитуриент-85». Иншо қандай ёзилади.
20.50 «Сонетларнинг гўзал маликаси». Фильм-спектакль (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 26. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Грузин хоккейи». Телефильм премьераси.
10.00 Тюмень бадиий коллективларининг концерти.
10.20 «Саёҳатчилар клуби».
11.20 «Келажак асрга». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Мадагаскар бўйлаб». Телеочерк.
16.25 Болалар учун фильм. «Ханжар». 2-серия.
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 «Халқ ижодиёти». Телекўрсатув.
19.05 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Прожектор» Маданият саройининг духовой оркестри чалади.
19.45 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сенинг дўстинг — велосипед». 1-кўрсатув.
20.00 «Кураш йиллари». Венесуэла Компартиясининг Бош секретари Х. Фариа туғилган куннинг 75 йиллигига.
20.20 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 «Театр мемуарлари».
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Нижнекамск варианти». Ҳужжатли фильм.
9.35 С. Орехов чалади (гитара).
10.00 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, СССР Олий Советининг депутати, СССР ФА вице-президенти Ю. А. Овчинников билан учрашуви.
10.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.10 «Вьетнам анъанавий қўғирчоқ театри». 1-кўрсатув.
11.45 Рус революцион ёзувчиси А. И. Герцен ҳаёти ва ижоди ҳақида кўрсатув.
12.25 «Ўрмон чангалзорида». Мультфильм.
12.45 Аҳолига ёнғиндан сақланиш ҳақида. «Ҳосилни ёнғиндан асранг». Ҳужжатли фильм премьераси.
13.00 «Ҳайвонларни ўргатувчилар». Телевизион бадиий фильм. 6- ва 7-сериялар.
13.55 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.25 Камер куйларидан концерт.
14.40 Эркин кураш бўйича СССР чемпионати.
15.10 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
15.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Туйдук». Ҳужжатли фильм.
19.30 Балет артистларининг Москвадаги V Халқаро конкурси. 3-тур (2-кун). Танаффус пайтида —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Хўтикча ва оқ қуш». Мультфильм (ЧССР).
21.30 «Время».
22.00 «Дзори Миро». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Арарат». 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Мактаб манзаралари». Болалар учун фильм-концерт.
10.55 «Ток новдаси ҳақида ўйлар». Телефильм.
11.10 «Бурденко сабоқлари». Ҳужжатли фильм.
11.30 «Виктор Чернишов ҳаётидан уч кун». Бадиий фильм.
13.10 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нурлан бахти». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
19.10 Й. Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллигига. «Ўз халқининг фарзанди». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ёшлик байрами». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Инсон ва қонун».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қўшиқларим — кўнгил навоси». Музикали-адабий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пахта ва тола».
22.25 Телевизион театр. В. Гюго. «Қирол дилхуши» (такрорий).

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II
17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Бизни танлайдиган роллар». Музикали фильм (рус.).
18.55 «Абитуриент-85». Биология.
19.25 «Ёшлик» студиясининг почтаси.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Қария». Телеспектакль. 1-серия (рус.).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 27. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Телефильмлар: «Болаларга топширилган шаҳар», «Физкультура!»
10.15 «Ҳайвонот оламида».
11.15 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.20 Рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
13.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари.
16.00 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
16.45 Болалар учун фильм. «Ханжар». 3-серия.
17.55 «Икки учрашув — икки портрет». Телеочерк.
18.20 Ўзбекистон бадиий коллективларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Оққуш пати». Мультфильм премьераси.
19.40 «Жадаллаша бориб». «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан. Вологда области партия ва совет ташкилотларининг саноат ва қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тажрибаси ҳақида.
20.25 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 Балет артистларининг Москвадаги V Халқаро конкурси якунловчи концерти. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Севгига содиқ». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 «Сенинг висолинг». Фильм-концерт.
10.00 Мактаб ўқувчиларига анатомия ва гигиена ҳақида.
10.30 «Отрар-сази» қозоқ фольклор этнографик оркестрининг концерти.
11.05 «Вьетнамнинг анъанавий қўғирчоқ театри». 2-кўрсатув.
11.35 «Дала янада серҳосил бўлиши учун». Совет селекционерларининг ғалланинг янги навларини етиштириш соҳасидаги ютуқлари ҳақида.
12.05 Испан тили.
12.35 «Учинчи йўл йўқ». Бадиий фильм, субтитр билан. 1-серия.
13.40 ШИМОЛИЙ ОСЕТИЯ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.40 Эркин кураш бўйича СССР чемпионати.
15.10 «Шахмат мактаби».
15.40 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Музикали киоск».
19.20 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
19.30 Ю. А. Жуков суҳбати.
20.00 «Владимир Коккинаки». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Ширинхўр айиқча». Мультфильм.
20.45 «Архангельское» музей-чорбоғи».
21.30 «Время».
22.05 «Фақат икковимиз». Бадиий фильм.
23.20 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев)—«Динамо» (Тбилиси); «Динамо» (Минск) — «Спартак».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Раҳмат, солдат». Телефильм.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).
11.50 «Орзу». Фильм-концерт.
12.20 «Қизил асал арилар». Болалар учун фильм.
13.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Самодаги саёҳат». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
18.45 «Ҳаёт каби тирик».
19.10 «Фан-техника тараққиёти-85». «Ширин пахта». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ғалла—ризқ-рўзимиз».
20.00 «Ёзувчи ва замон».
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент шаҳар халқ филармонияси «Ёшлик» татар-бошқирд ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Броненосец Потёмкин». Бадиий фильм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II
17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Тийт Хярм рақсга тушади». Фильм-концерт (рус.).
18.55 «Абитуриент-85». Математика.
19.25 «Алкоголизмга қарши курашамиз».
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Қария». Телеспектакль. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА, 28. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Буратино кўргазмаси».
10.00 Телефильмлар: «Белокуриха», «Пиркули».
10.20 СССР халқ артисти М. Мордасова куйлайди.
11.05 «Мактаб ислоҳоти». 2-йил.
11.35 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.40 «Политрук Василий Клочков». Ҳужжатли фильм премьераси.
13.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.55 «Рус тили».
16.30 Болалар учун фильм. «Мишка, кичкинтой ва бошқалар». 1-фильм.
17.00 «Подмосковье қишлоғининг бугунги ва эртанги куни».
17.30 Ф. Шопен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
18.15 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Броненосец узра қизил байроқ».
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм.
19.40 Мультфильм.
19.50 «Фан ва турмуш». Литва ССР Фанлар академияси.
20.20 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Мураббий ёнингда бўлса». Телефильм.
9.45 «Фақат икковимиз». Бадиий фильм.
11.00 «Дарвозаси тиллодан». ЧССРдан олиб кўрсатилади.
11.50 Ҳужжатли фильм.
12.10 «Ажойиб овозлар янграйди».
12.40 «Қизча ва акс-садо». Бадиий фильм.
13.45 «Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб». «Жаҳон халқларининг ўйинлари» туркумидан ГФР ҳужжатли фильмлари: «Янги Гвинея», «Шотландия».
14.30 «Найда». Мультфильм.
14.45 «Капалакларнинг ғаройиб дунёси». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 Инглиз тили.
15.25 «Халқ манфаатларига амал қилиб». СССР Олий Советининг ташқи сиёсий фаолияти ҳақида. Кўрсатувда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси Л. Н. Толкунов, ТАСС Бош директори С. А. Лосев, СССР ФА вице-президенти Е. П. Велихов иштирок этади.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Аксиома». Телефильм премьераси.
19.15 «Онамларнинг мактаби».
19.45 «Яшил шаҳар». Телефильм.
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ф. Гладков. Ижод саҳифалари.
21.30 «Время».
22.05 «Дўстлар даврасида».
23.10 «Тулпорлар, тулпорлар...» Телефильм.
23.20 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Телескоплар».
10.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш сеҳргарлар» (такрорий).
11.25 «Қувноқ воқеалар». Бадиий фильм.
12.50 «Осмонга пиллапоя». Телефильм.
13.10 «Мурманск». Ҳужжатли фильм.
13.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Фан-техника тараққиёти-85». «Хлорелла дўстларини излайди». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
18.30 «Дунё воқеалари».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Локомотив». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 Кичик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Кино оламида».
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II
17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Кўнгиллилар». Бадиий фильм (рус.).
18.25 «Спорт кинопанорамаси».
19.00 «Сириус — қардошлик юлдузи». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Абитуриент-85». Физика.
19.50 «Бу бақувват нозик-ниҳоллар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).
20.50 «Ҳамиша сафда». Телевизион киножурнал.
21.00 «Ёзги дам олиш пайти» (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 29. VI

ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 4- ва 5-сериялар.
11.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.20 «Бугун —Ихтирочилар ва рационализаторлар куни». Кўрсатувда ихтиролар ва кашфиётлар бўйича СССР Давлат комитетининг раиси И. С. Наяшков иштирок этади.
12.50 «Сизга манзур адабиётлар».
13.35 «Ёнингдами, ўртоқ...»
14.35 «Инсон. Ер. Коинот».
15.20 «Дунё воқеалари».
15.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
16.05 Р. Рождественскийнинг янги шеърларидан.
16.30 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «...сўнгра байрам ҳам келади» (Италия).
17.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.00 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
18.30 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.
19.10 «9-студия».
20.10 ЧССР спартакиадаси. Прагадан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига. Телефильмлар.
10.30 «Тонгги почта».
11.00 БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.15 «Қуёшни кўряпман». Бадиий фильм.
13.40 «Гармония» ансамбли чалади.
14.10 «Саёҳатчилар клуби».
15.10 СССР халқ артисти Г. Ковалёва концерти.
16.10 «Ерда, самода ва денгизда».
16.40 «Мария учун пуллар». Фильм-спектакль премьераси.
19.15 «Сибирь». Ҳужжатли фильм.
19.35 «Театр, кино ва телевидениеда музика» кўрсатуви саҳифаларида.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Зумрад кроссворди». Телеспектакль премьераси.
23.30 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сузишни ўрганинг» (рус.).
10.55 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!»
11.25 «Экранда — кинокомедия». «Ғаройиб бола».
12.55 «Мелиорация — мўл ҳосил гарови» (рус.).
13.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
13.50 «Бизнинг қишлоқдаги уйимиз».
14.20 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Мультипанорама».
19.00 «Бугун—Ихтирочилар ва рационализаторлар куни» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Маскан». Телефильм.
20.00 Й. Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллигига. «Хотиралар дарёси».
20.30 «Ахборот».
20.50 Композитор Матниёз Юсуповнинг ижодий кечаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
23.05 «Диалог». Манзарали фильм.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—16.40 МТ II
17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 Октябрятлар учун. «Ситорача».
18.15 «Мушукча Женя ва йўл ҳаракати қоидаси ҳақида». Мультфильм.
18.30 «Планета овози». Сиёсий шарҳловчи суҳбати.
19.00 «Новости».
19.15 «Шундай имконият бор». Телефильм.
19.40 Концерт.
20.30 «Ахбор».
20.50 «Телеминиатюралар театри».
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 30. VI

СОВЕТ ЁШЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қадрдон оҳанглар». Киевдан олиб кўрсатилади.
10.10 «Оптика мўъжизалари». Ҳужжатли фильм.
10.25 «Спортлото»нинг 26-тиражи.
10.35 «Будильник».
11.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.05 «Здоровье».
12.50 «Тонгги почта».
13.20 «Қишлоқ янгиликлари».
14.20 «Музикали киоск».
14.50 «Воронеж». Телефильм.
15.15 «Емелиянинг бахти». Болалар Марказий театрининг фильм-спектакли.
16.45 «Ветеранлар, Сизлар учун». Музикали кўрсатув.
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 «Саёҳатчилар клуби».
19.15 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сенинг дўстинг — велосипед». 2-кўрсатув.
19.30 «Қанотли хўтик». Мультфильм премьераси.
19.40 «Салют, фестиваль». Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалига бағишланган ёшлар кўрсатуви.
21.30 «Время».
22.05 «Оқшом тароналари».
23.05 «Константин Паустовский. Куз билан юзма-юз». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Тренер». Телефильм премьераси.
11.00 Б. Тишченко. 5-симфония.
11.45 «Калевала». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.05 «Бегона хатлар». Бадиий фильм.
13.35 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «...сўнгра байрам ҳам келади» (Италия).
14.05 «Ҳайвонот оламида».
15.05 «Концертлар мавсуми». Музикали фильм премьераси.
15.25 «Пўлат қандай тобланди». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
16.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
17.00 Совет ёшлари кунига. Ҳужжатли фильмлар.
17.40 «Айболит ва Бармалей». Мультфильм.
17.55 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
18.30 «Буюқ ялангоёқлар». Бадиий фильм.
20.00 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Днепр», «Динамо» (Минск) — «Зенит». «Жальгирис» — «Спартак». 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Совет ёшлари кунига. «Ҳужжатли кино экрани».
11.10 «Қизил елканлар». Бадиий фильм.
12.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар» (такрорий).
13.25 «Оналар мактаби».
13.55 «Ўзбекистон спорти».
14.25 Чолғу куйларидан концерт.
15.05 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).
15.35 Совет ёшлари кунига. «Ўзбекистон ёш олимлари — Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалига» (рус.).

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Мультфильмлар.
18.45 Совет ёшлари кунига. «Менинг катта ёшдаги ўртоғим» (рус.).
19.20 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахборот».
20.50 «Рақснинг сеҳрли олами». ЎзССР халқ артисти М. Аҳмедова.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун—Совет ёшлари куни». Кўрсатув ва концерт.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—15.25 МТ II
15.45 Кўрсатувлар программаси.
15.50 Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.30 Совет ёшлари кунига бағишланган концерт.
17.10 «Совет Қирғизистони юбилейига». Киноочерк.
17.30 Москва. «Халқаро панорама».
18.15 «Новинки» киноклуби.
19.35 «Медицина саломатлик хизматида».
20.20 «Советлар ва ҳаёт».
20.50 «Байкалда бир кун». Манзарали фильм.
21.00 «Республиканинг донгдор кишилари».
21.30 МТ II

КИНО

24 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00 телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 18, 20, 21.30; телефон 66-17-75), **Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-44-52).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ», «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (16, 18.40, 21.10; телефон 77-06-20), **Ватан** (16, 18.30, 21.00).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14-серия) — **Чайка** (11.00).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» **С. Раҳимов номли** (телефон 48-46-71).

«БЛЕФ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ГЕНЕРАЛ НЕСТЕРОВГА ТОПШИРИЛСИН» — **Хива** (22.00).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ТАШВИШЛИ ТОНГ» — **Восток** (жуфт соатларда телефон 91-14-61).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серия) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ҲУР ҚИЗЛАР» — **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Искра** (18, 21.00; телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

25 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 20, 20.30; телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ», «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (13.20, 16, 18.40, 21.10; телефон 77-06-20), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14-серия) — **Чайка** (11.00).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» **С. Раҳимов номли** (телефон 48-46-71).

«БЛЕФ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ГЕНЕРАЛ НЕСТЕРОВГА ТОПШИРИЛСИН» — **Хива** (22.00).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ТАШВИШЛИ ТОНГ» — **Восток** (жуфт соатларда телефон 91-14-61).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серия) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ҲУР ҚИЗЛАР» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Искра** (12, 15, 18, 21.00; телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН ЧОРЛАЙДИ

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА
26-28 ИЮНЬ КУНЛАРИ
ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН
ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР САВДО-КЎРГАЗМАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ
Кўргазма магазиннинг 4-қаватида ташкил этилади.
ГУМ (телефон 42-27-39).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 249-ўрта мактаб томонидан **Зиятбеков Дилшод Қўчқорбекович** номига берилган 555625 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 62-ўрта мактаб томонидан **Абдуразоқов Фурқат Абдумажитович** номига берилган 553933 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-қурилиш тресги коллективи трестнинг собиқ бошқарувчиси
Фатхулла Қудратович ҲОШИМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ХИМИЯ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
мудир, катта ва кичик илмий ходимлар (5 ўрин)— Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» саноат бирлашмаси қошидаги экспериментал-ишлаб чиқариш лабораториясига;
кичик илмий ходимлар: комплекс ўғитлар, коррозиялар, флокуляциялар, минерал ўғитларни қўллашнинг агрохимик самарадорлигини тадқиқотлаш.
КОНКУРС МУДДАТИ — 2 ИЮЛГАЧА.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, М. Горький проспекти, 77-уй.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13830. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.